

## Ватан посбонлари билан учрашув

**Хоразм вилоятида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган маънавий-маърифий, маданий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. “Ватан — улуг, бурчим муқаддас!” шиори остида ўтказилаётган ана шундай тадбирлардан бири Хива тумани ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда ўтказилди.**

Вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, туман ҳокимлиги, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, таниқли спортчилар ва санъат аҳлидан иборат гуруҳ аскарлар ҳузурига ташриф буюришди. Бу ерда ташкил этилган давра суҳбати гоят мазмунли ва мароқли кечди.

— Аскарларимизга энгиларидаги ҳарбий кийимлари шундай ярашиб турибдики, кўриб қувонади киши, — дейди туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Малика Исмоилова. — Айтиш жоизки, улар миллий армиямиз сафида хизмат қилишни фахр деб билади. Бу йигитларимизнинг юзларида уфуриб турган нур ва шижоатда ҳамда сўзларида аққол намоеён бўлмоқда. Бундан қанчалар гурурансансак арзийди, албатта.

## Янги йилда ҳовли тўйлари

**Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида Самарқанд вилоятида ўтган йиллар давомида барча шарт-шароит ва қулайликларга эга 3 минг 300 дан зиёд уй барпо этилиб, аҳолига узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар асосида берилди.**

Ўтган 2014 йилда вилоятнинг 41 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 1 минг 127 та уй-жой қурилди. Хусусан, Нуробод туманида 30 та янги уй-жой барпо этилди.

— Тим қишлоғидаги пахса деворли уйда истиқомат қилиб келардик, — дейди “Нурбулоқ” маҳалласидаги янги хонадон соҳиб-би Нуриддин Ҳалимов. — Яқинда уч хонали янги уйга кўчиб ўтдик. Бундай уйда маза қилиб яшаркан киши. Меҳмонхона, болаларга алоҳида хона, уй бекалари учун ошхона, ҳаммом, автомобиль кўйиш учун гараж бор. Уйимиздаги шароит шайхлардан ҳам зиёд. Энг қувонарлиси, янги йилни янги уйда кутиб олдик.

## Меҳнат ярмаркасида ёшлар ишли бўлди

**Наманган вилояти Чуст тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан меҳнат ярмаркаси ўтказилди.**

Туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда қирқдан зиёд корхона, ташкилот ва муассасалар 150 дан зиёд бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Ярмаркада 53 киши ўз мутахассислиги, қизиқиши ва қобилиятига мос ишга йўланма олди. Уларнинг 12 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

— Меҳнат ярмаркаси орқали тумандаги 51-мактабгача таълим муассасасига ишга жойлашиш учун йўланма олдим, — дейди Чуст педагогика касб-ҳунар коллежи битирувчиси Муслима Набиева. — Келажикимдан кўнглим тўқ, ўқишни давом эттириб, ўзим севган касб — педагогика йўналишида олий маълумотли бўлмоқчиман.

## Билим ва кўникмаларини оширишди

**Тошкент Ахборот технологиялари университетининг 10 нафар иқтидорли талабаси Хитой университетларида бўлиб ўтган икки ҳафталик семинар-тренинг машғулотларида қатнашиб келди.**

Ўзбекистонлик талабалар семинар-тренинг машғулотлари давомида замонавий телекоммуникация технологиялари борасидаги билим ва кўникмаларини оширдилар. Дарс жараёнларида маъруза ва лаборатория машғулотларини хитойлик малакали ўқитувчилар олиб боришди.

Талабалар, шунингдек, машғулотлардан бўш вақтларида Хитойнинг тарихий ва маданий масканларига ташриф буюрдилар. Машғулотлар якунида талабаларга махсус сертификатлар берилди.

“Туркистон-пресс”

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



## ЭЗГУ МАҚСАД, МУҚАДДАС БУРЧ

**Ҳар қандай давлатнинг мустақиллиги, халқнинг эрки унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари томонидан ҳимоя қилинади. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, ўз истиқлоли ва озодлигининг кадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга куч-қурби етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади. Мустақиллигини, тинчлигини асрай олган давлат барқарор ривожланади, хотиржамлик, осейишталик қарор топган мамлакат гуллаб-яшнайд.**

Қуролли Кучларимизнинг ўтган 23 йиллик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий армиямизни тубдан ислоҳ этиш натижасида Ватанни ҳимоя қилиш шарафли касбга айланганига амин бўлаемиз. Ушбу давр ичида ҳарбий хизматнинг нуфузи бениҳоя ортди. Ҳарбий либосдаги йигитлар-

га ҳавас ва ҳурмат билан қарайдиган бўлдик. Тақдирини юрт ҳимояси билан боғлаган асл ўғлонлар Юртбошимиз меҳрини, эътиборини, ғамхўрлигини ҳаммаша юракдан ҳис қилиб яшашардилар. Бу эътиборни ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлашдан тортиб намунали хизмат қилган йигитларнинг олий ўқув юртига киришигача

бўлган имтиёزلарда кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Қуролли Кучлар тизимидаги ислохотлар ушбу тизимнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан чамбарчас боғлиқликда амалга оширилмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиздаги ҳарбий соҳа ислохотлари билан боғлиқ стратегик мақсадларга эришишнинг муҳим ҳуқуқий пойдевори яратилди. Энг аввало, Бош Қомусимизда мамлакатимиз Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий ахилитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи экани алоҳида қайд этилди.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗА

## Қонун кучга кирди

**Мурожаат ҳар бир фуқаронинг муҳим конституциявий ҳуқуқи бўлиб, қайсидаир маънода жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишдек сиёсий ҳуқуқларнинг узвий қисмини ташкил этади. Мурожаатлар ўз моҳиятига кўра демократик восита бўлиб, давлат органлари ва муассасалари эътиборини одамлар ҳаёти учун муҳим жиҳатларга қаратиш, уларнинг ишига халқ томонидан бўлаётган ижтимоий фикр ва баҳони билишда ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим”.**

## Мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатлари

Шу маънода айтиш мумкинки, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши гоят муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг, шу жумладан, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирди, ушбу соҳадаги қонунбузилишлар учун жавобгарлики белгилаш, шунингдек, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаатлар тарти-

бини янада такомиллаштиришга қаратилган ушбу қонун 5 боб 31 моддадан ташкил топган.

Қонуннинг 2-моддасида унинг амал қилиши: кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, ҳўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмаслиги алоҳида белгилаб қўйилган.

(Давоми 2-бетда)

## САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.**

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Марказий сайлов комиссияси уларни Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

#### 1-Қорақалпоғистон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги биноси, Нукус шаҳри, У.Татибоев кўчаси, 19-уй. Сайловчилар сони — 1159795 киши.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

(Давоми 2-бетда)



**Илғор технологиялар асосида**



**Футболчиларимизга омад ёр бўлсин!**



**Марат Жумаев халқаро турнир совриндори**

## ДАВР НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ  
САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ  
ТЎҒРИСИДА(Давоми. Бошланиши  
1-бетда)**2-Андижон сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят қасаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй. Сайловчилар сони — 1923333 киши. Андижон вилояти чегараси доирасида.

**3-Бухоро сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят қасаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шох кўчаси, 3-уй. Сайловчилар сони — 1229045 киши. Бухоро вилояти чегараси доирасида.

**4-Жиззах сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шох кўчаси, 70-уй. Сайловчилар сони — 813965 киши. Жиззах вилояти чегараси доирасида.

**5-Навоий сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — “Фарҳод” маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шох кўчаси, 67-уй. Сайловчилар сони — 628592 киши. Навоий вилояти чегараси доирасида.

**6-Наманган сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй. Сайловчилар сони — 1713268 киши. Наманган вилояти чегараси доирасида.

**7-Самарқанд сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй. Сайловчилар сони — 2294602 киши. Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

**8-Сирдарё сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят қасаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 66-уй.

## Марказий сайлов комиссияси

Раиси

М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,  
2015 йил 7 январь

Сайловчилар сони — 513100 киши. Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

**9-Сурхондарё сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 12-“В” уй. Сайловчилар сони — 1515308 киши. Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

**10-Тошкент вилояти сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 17-уй. Сайловчилар сони — 1905858 киши. Тошкент вилояти чегараси доирасида.

**11-Фарғона сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши биноси, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони — 2342899 киши. Фарғона вилояти чегараси доирасида.

**12-Хоразм сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — “Барқамол авлод” болалар маркази биноси, Урганч шаҳри, Фафур Фулом кўчаси, 1-уй. Сайловчилар сони — 1127706 киши. Хоразм вилояти чегараси доирасида.

**13-Қашқадарё сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — “Ўзгеобурнефтгаз” акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй. Сайловчилар сони — 1903740 киши. Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

**14-Тошкент шаҳар сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаментига қарашли бино, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 14-уй. Сайловчилар сони — 1726841 киши. Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Чунки барчамизга маълумки, маъмурий жавобгарлик, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-иқроия, ҳўжалик процессуал муносабатлар бу соҳалардаги махсус қонунлар билан тартибга солинади. Бундан ташқари, ушбу моддада қонуннинг амал қилиши давлат органлари, улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татибқ этилмаслиги алоҳида белгилаб қўйилди.

Қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга қўйиладиган талаблар, бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, жисмоний шахсларни ва юридик

эътиборига етказилиши белгилангани;

туртинчидан, давлат органларининг шахсий қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан, ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қонунда белгиланган ҳолатдан ташқари ҳолларда қабулни рад этишга ҳақли эмаслиги;

бешинчидан, шахсий қабул давомида давлат органининг раҳбари қарорига қўра ҳамда мурожаат этувчининг ёзма розилиги билан махсус техника воситалари (аудио- ва видео ёзув, шунингдек,

Мурожаат этиш ҳуқуқи  
кафолатлари

шахсларнинг вакиллари қабул қилиш, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари, уларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зинъани компенсация қилиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ҳам ўз ифодасини топган.

Қонуннинг аввалги “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонундан фарқи жиҳатларини куйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаатлари соҳасидаги муносабатлари қонун йўли билан тартибга солинган; иккинчидан, мурожаатни бериш шакли сифатида электрон мурожаатни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бериш мумкинлигининг ҳуқуқий мустақамлангани;

учинчидан, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш тартиби давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар

фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкинлиги;

олтинчидан, давлат органларининг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши мумкинлиги;

еттинчидан, агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шартлиги;

саккизинчидан, агар мурожаатда қўйилган масалалар ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишда иштирок этиш учун давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилиши;

тўққизинчидан, жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини улар кўриб чиқилганига қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилинганга қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эгаллиги, мурожаатни қайтариб олиш ҳақидаги ариза давлат органлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўрилишини истисно этмаслиги;

ўнинчидан, мурожаатларга жавоблар мумкин қадар мурожаат

этилган тилда баён қилиниши, мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича вақтларни рад этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳавола қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши кераклиги;

ўн биринчидан, мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида мурожаатларни бир йил-

рининг бир қатор кафолатларини ўзида мустаҳкамлаган. Унга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда камситишга йўл қўйилмайди, мурожаатлар давлат органлари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқиши шарт, жисмоний ёки юридик шахс мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқиш қонунга хилоф равишда рад этилгани устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёхуд бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

Қонунда мурожаатларни кўрмай қолдириш асослари ҳам белгиланиб, унга қўра аноним муро-

жаатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатли тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар кўриб чиқилмайди. Аноним мурожаатлар деб жисмоний шахсларнинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахсларнинг тўлиқ номи, унинг почта манзили тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлгон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаатлар ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланиб, мурожаатларни киритиш имкониятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади. У фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини белгилаб, давлат органларининг ушбу соҳадаги ишлари сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имконини берди.

Мирвалд МИРАКУЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

## Ижтимоий ҳимоя

Ҳеч ким эътибордан  
четда қолмайди

Ёлғиз кишилар, беморлар ва ногиронлар ҳолидан хабардор бўлиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш халқимизга хос, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган табарруқ қадриятлардан биридир. Мустақиллик даврига келиб бундай савоб ишлар кўлами янада кенгайди. Бағрикенглик, инсонпарварлик, жумладан имконияти чекланганларга эътибор ва гамхўрлик кундалик турмуш тарзимизнинг ва давлатимиз сиёсатининг асосий тамойилларига айланди.

— Ён-атрофимиздаги ёрдамга муҳтож ногиронлар, кексаларнинг дардига ҳамдард бўлиб, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш биринчи вазифамиз ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Ноғиронлар жамияти Қашқадарё вилоят бўлими раиси Бахтиёр Ботиров. — Мана шу эзгу мақсад йўлида кўнгли ўксик, меҳрга ташна инсонларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга меҳр-муруват, саховат кўрсатишга ҳаракат қилишимиз. Даволаш-профилактика муассасаларида имконияти чекланган инсонлар тиббий реабилитация текширувларидан ўтказилмоқда. Протез-ортопедия маҳсулотлари, реабилитация техник воситалари, ногиронлик арава-чалари, эшитиш мосламалари, қўлтиқтаёқ ва ҳассалар билан бепул таъминланмоқда.

Қолаверса, давлатимиз томонидан уларни ишга жойлаштириш, ўқишга қабул қилиш, касб-хунар ўргатиш ва уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш вазифалари изчил амалга оширилмоқда.

16 ёшгача бўлган ногирон болалар ўз уйларида яқка тар-

тибда таълим олишмоқда. Улар учун вилоят ҳокимлиги ва вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан барча зарур имкониятлар яратиб берилган. Айниқса, ўқувчиларнинг зарур дарсликлар билан таъминлашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, шаҳар ва туманлар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари тақсимотига қўра уларга парта, стол-стул, доска ва зарур ўқув анжомлари етказиб берилган.

Вилоятда истикомат қилаётган имконияти чекланганларга мунтазам равишда кўрсатиб келинаётган меҳр-оқибат, инсонпарварлик ўзининг ижобий самараларини бермоқда. “Мафтункор ранглар жилоси” кўрик-танловининг вилоят босқичи фолиби бўлган шаҳрисабзлик Асилбек Раҳматиллаев танловнинг республика босқичида фахрли ўринга сазовор бўлди ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

Чироқчилик иккинчи гуруҳ ногирони Убайдулло Имомқулов Жанубий Кореяда бўлиб ўтган паралимпия мусобақала-

рида иштирок этиб, совринли ўринни кўлга киритди. Республика паралимпия мусобақаси иштирокчиси қосонлик Бобуржон Қодиров эса велоспорт ва ядро улоқтириш спорти бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Имконияти чекланганларнинг қобилиятларидан келиб чиқиб, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинаётир. Хусусан, вилоят ногиронлар жамиятига қарашли Абдували Тошев раҳбарлигидаги “Ноғирон ташаббускори” ишлаб чиқариш шўъба корхонаси жамоаси қурилиш ишлари билан шуғулланади, эшик ва ромлар ишлаб чиқаради. Иккинчи гуруҳ ногирони Нилуфар Бозорова томонидан ташкил этилган “Шаҳинабону” тивувчилик ва гузаллик салонига эса имконияти чекланганлар иш билан таъминланган. Шунингдек, уйда ўтирган имконияти чекланган ёшларнинг қасаначилик билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилган. Уларга хунармандчилик, тивувчилик, қуроқчилик, зардўзлик каби хунарлар ўргатилмоқда. Замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникасини ўрганишларига алоҳида эътибор берилган.

Мухтасар айтганда, вилоятда амалга оширилаётган ана шундай хайрли ишлар замирида мамлакатимизда ҳеч ким давлат ва жамият эътиборидан четда эмаслигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

Шоҳиста БОЗОРОВА,  
“Моҳият” муҳбири

## Қарор ва ижро

## Фаолият самараси

Халқимизда “Бозори тўла юрт — тўқ юрт” деган гап бор. Бугун юртимиздаги қайси бир бозор ёки савдо комплексини олиб қарамалик, улардаги турфа хил маҳсулотлар, тўқин-сочинлик, тартиб, тозаллик, сотувчилар ва харидорлар учун яратилган қулай шароитлар кўзни қувонтиради.

Турмуш тарзимизнинг ажралмас бўлаги бўлган бозорлар ва савдо комплексларида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, текширишларни қамқатириш ҳисобидан тадбиркорлар фаолиятига эркинликлар бериш билан бир қаторда солиқларнинг ўз вақтида йиғилувчанлигини орттириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги “Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга оид

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори республикада мавжуд бозорлар фаолиятини янада такомиллаштириш, қонуний савдонинг олдини олиш, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ва савдо қилиш шароитларини яхшилашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасидаги 17 та дехқон бозори ва 10 та савдо комплексида ўтган йили мугайн ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида маҳаллий бюджетга январь-

ноябрь ойлари учун белгиланган тушумлар режаси 106,7 фоизга бажарилди. Бозорлар ва савдо комплексларида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг қонун доирасида иш олиб беришнинг таъминлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бозорларда савдо маданиятини тўғри шакллантириш юзасидан республикамиз давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан доимий назорат тадбирлари олиб боришмоқда. Ана шундай назорат тадбирлари натижасида ўтган йилнинг январь-ноябрь ойларида 905 нафар фуқаро белгиланган тартибда тадбиркор сифатида янгидан давлат рўйхатида ўтказилиб, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга қўшимча равишда 372,2 миллион сўм

Илғор технологиялар  
асосида

Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги “2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”-ги қарори асосида олиб борилаётган тизимли ишлар аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида ташкил этилган “Khorazm tech” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида ўттизга яқин турдаги пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий, тежамкор технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати билан харидорларга манзур бўлаётди. Корхонада 20 дан зиёд киши доимий иш билан таъминланган.

Суратда: ишчи Зухра Уринбоева.

Шоназар ҚОРИЕВ  
(ЎЗА) олган сурат.С.ЖИЕМУРАТОВ,  
Давлат солиқ қўмитаси  
Бозорлар ва савдо  
комплекслари фаолиятини  
назорат қилиш  
бош бошқармасининг  
Қорақалпоғистон Республикаси  
бўлими бошлиғи

ЭХТИРОМ

ЭЗГУ МАҚСАД, МУҚАДДАС БУРЧ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда)

Истиклол йилларида, шунингдек, минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият, замонавий талаблар ва мамлакат хавфсизлигига таҳдидларни чуқур таҳлил қилиш асосида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги (1999 йил), "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги (2000 йил), "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги (2000 йил), "Мудофаа тўғрисида"ги (2001 йил), "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги (2002 йил), "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги (2003 йил) "Ўзбекистон Республикасининг таъминоти сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги (2012 йил) Қонунлар шулар жумласидан. Ушбу қонунлар мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чунончи, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунларида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунларга мувофиқ, ҳарбий хизмат муддатини 12 ойгача қисқартиришга доир ҳуқуқий асослар яратилди. Натижада 2009 йилдан буён бир йиллик муддатли ҳарбий хизматга қақурав танлов асосида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ҳарбий хизматнинг янги тури — сафарбарлик қақуруви резерви ҳам ўзининг самарали эканини исботлади. Бугун миллий армия сафларида хизмат қилаётган аскарлар ҳарбий мутахассисликни пухта ўзлаштириш билан бир қаторда, замонавий ахборот технологиялари оид билимларини ҳам оширмоқдалар. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари энг замонавий, кўркам биноларда жойлашибгина қолмай, замон талаблари асосида жиҳозланмоқда. Бу эса қақурувларнинг сифатли таъини қўриқ ва синовлардан ўтказиш учун қулайлик яратиб, Қуроли Кучларимиз сафларини яхши тайёрлаган, бақувват ва мард йигитлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

2012 йил ўта муҳим тарихий ҳужжат — давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган "Ўзбекистон Республикасининг таъминоти сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун мамлакатимизнинг узоқ йилларга мўлжалланган таъминоти сиёсий стратегиясини белгилаб берувчи ўта муҳим ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришган биринчи кунлардан оқ прогрессив, тинчликпарвар

ташқи сиёсат юритиб келмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон 60 дан ортиқ нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар ишида фаол иштирок этиб келмоқда.

Ташқи сиёсий фаолият Концепциясида мамлакатимизнинг истиклол йилларидаги ташқи сиёсий фаолиятини умумлаштириш ва илгор хорижий тақрибани чуқур ўрганиш асосида бир қатор принципиал аҳамиятга молик бўлган прогрессив ғоялар мужассам этилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги ҳарбий моҳирларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўриши, шунингдек, ўз ҳудудда хорижий давлат ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги алоҳида қайд этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг тинч-



лиқсевар сиёсат юритиш, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, ҳар қандай давлатларга тўзилма-лар ҳарбий-сиёсий блока айлانган тақдирда улардан қиқши ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш каби принципиал позицияни ҳам мазкур Концепцияда ўз аксини топди.

Концепцияда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, "Мудофаа тўғрисида"ги Қонунга ва Ҳарбий доктринасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари фақат давлат суверенитети ва мамлакат ҳудуди ақиллигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини асраш мақсадидагина тўзилган ҳамда хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди, деб алоҳида белгилаб қўйилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур Концепцияда белгиланган ташқи сиёсатнинг бир қатор тамойиллари, жумладан, бошқа давлатлар манфаатларини инобатга олиш, ҳамкорлик учун очилки, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, суверенитет, ҳудудий ақиллиқни ҳурмат қилиш, мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларини давлатнинг ички нормаларидан устувор аҳамиятга эга экани каби қатор тамойиллар-

нинг мавжудлиги давлатимизнинг ташқи сиёсий фаолияти самарадорлигини янада оширади ва очик демократик давлат куриш йўлидаги изчил ҳаракатларни муваффақиятли давом эттириши таъминлайди.

Мудофаа соҳасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан бирга Ўзбекистон Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Ислом Қаримов томонидан имзоланган қатор фармон ва қарорлар ҳам армияимизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартириш имконини берди. Масалан, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратурасини ташқи қилиш тўғрисида"ги (1999 йил), "Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташқи қилиш тўғрисида"ги (1999 йил) фармонлари, "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг



ҳарбий хизматчилари ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (2005 йил), Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига уй-хойни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида"ги қарори (2005 йил) билан ҳарбий хизматчиларнинг давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиниши кафолатлаб қўйилди. Шунингдек, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар жой билан таъминлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида барпо этилаётган замонавий уй-хойлар ҳарбийларга, уларнинг оила аъзоларига кўрсатилаётган гам-хўрликнинг амалий ифодасидир.

Армияимиз сафларида хизмат қилаётган фарзандларимизга — Ватанимиз ҳимоячиларига катта эътибор ва гамхўрликнинг яна бир амалий натижаси сифатида Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қаро-

рини келтириш мумкин. Мазкур қарорга мувофиқ, 2012 — 2013 ўқув йилидан бошлаб Қуроли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бақавларлар тайёрлашда республиканинг барча олий таълим муассасаларига қиришда тўлаш мумкин бўлган мақсимал балларнинг 27 фоизи миқдорда қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлдилар. Ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномалари улар берилган санадан бошлаб уч йил мобайнида амал қилади.

Мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича ишлар тизимли ва боқимча-боқимча равишда амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрда "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгашини ташқи этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ Мудофаа вазирлиги ҳузурда ташқи этилган Жамоатчилик кенгаши олдиға халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, мамлакатимиз Қуроли Кучларини ислоҳ қилиш, замонавий миллий армияимизни шакллантириш борасида амалга ошириладиган сайё-ҳаракатлар ва улар бераётган юксак самараларни халқимизга етказиш, миллий армияимизнинг салохияти ва қудратини кенг тарғиб этиш, ҳарбий хизматни ўтаётганлар ва қақурувларчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўмақлашиш вазифаси қўйилди. Бу юрт ҳимоячиларини нафақат ижтимоий, балки маънавий рағбатлантиришга ҳам катта эътибор берилаётганининг исботи, албатта.

Қуроли Кучлар тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳозирда ўз самарасини бермоқда. Ислохотларнинг энг муҳим натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгилашганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув тамомла ўзгарганида яққол кўриш мумкин. Йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат қилиш, нафақат фахрли бурч, балки юксак шон-шарафга айланди.

Мухтасар айтганда, Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган армияини ташқи этиш бўйича ўзининг қўлами ва миқёсига қўра улкан ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун жаҳондаги бугунги мураккаб, тез ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазият, айниқса, Афғонистондаги истиқбол мавҳум бўлган ҳолат билан боғлиқ тарзда хавфсизликка қарши реал ва эҳтимол тутилаётган хавф-хатарларнинг кучайиб, нарқоагрессия, халқаро терроризм, экстремизм ва бошқа



таҳдидларнинг миқёси кенгайиб бораётгани Қуроли Кучларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини муттасил ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги чораларини янада кучайтириши тақозо этмоқда.

Президентимиз, мамлакат Қуроли Кучлари Олий Бош Қўмондонни Ислом Қаримовнинг Ўзбекистон Қуроли Кучларининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш йўлида олдимизда турган бир қатор долзарб вазифалар санаб ўтилган. Жумладан, миллий армияимизнинг жанговар тайёргарлигини янада мустаҳкамлаш давом эттириш, эҳти молдан холи бўлмаган ҳарбий ҳаракатлар театрини доимо қузатиб, тизимли равишда чуқур таҳлил ва прогноз қилиб бориш, чегараларни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш учун жалб этиладиган бўлиналарнинг бир-бирининг ўрнини босишга ҳар томонлама қодир бўлиши ва юксак даражада келиши ҳаракат қилишига эришиш, янги қурол-яроғ ва ҳарбий техника намуналарини ишлаб чиқарадиган ва уларни модернизация қиладиган қўшма корхоналарни ташқи этиш учун ишлаб чиқариш ва таъмирлаш базасини ривожлантиришга қаратилган сайё-ҳаракатларни кучайтириш, кенг билим ва тафаккурга, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазаилатларга эга бўлган ҳарбий кадрлар тайёрлашни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни шакллантиришга қаратилган тарбиявий ишлар тизимини тубдан яхшилаш каби масалалар яқин ва ўрта истиқболдаги стратегик вазифалар сифатида қайд этилди. Ушбу вазифаларнинг ўз вақтида ва тўла-тўқис ижро этилиши Қуроли Кучларимиз жанговар тайёргарлигини оширишнинг муҳим шартини ҳисобланади.

римиждан бири — жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, воёга этиб келаятган ёш авлодни камол топтириш, улар қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини янада кучайтириш, Қуроли Кучларимиз билан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга ҳурмат туйғусини тарбиялашдан иборат. Табриқда қайд этилганидек, ҳарбий хизмат, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва армияимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлардан мамлакатимиз фуқароларини хабардор этишда жамоатчилик фаоллари ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Бундай долзарб ва узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни амалга оширишда биз — Мудофаа вазирлиги қошида ташқи этилган Жамоатчилик кенгаши аъзолари, шунингдек, ОАВ ва кенг жамоатчилик вакиллари, маданият, санъат ва спорт намоёндалари алоҳида жонбозлик кўрсатиш талаб этилади. Хусусан, бу борда ёшларни ватанпарварлик, она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишида амалга оширилаётган тарғибот тадбирлари, учрашув ва давра суҳбатларининг таъсирчанлигини ошириш ишига бирламчи вазифа сифатида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Юртимизда Ватан ҳимоячилари кўнини кенг нишонлаш яхши аънамага айланади. Президентимизнинг 2014 йил 9 декабрдаги "Ватан ҳимоячилари кўнига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Фармойиши асосида тез кунларда нишонланадиган байрамга алоҳида катта тайёргарлик қўрилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида зўр тантана билан нишонланадиган байрам тадбирлари ёшларни Ватанга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши, миллий армияимиз сафларида она юртимизни ҳимоя қилиш иштиқини янада кучайтириши шубҳасиз.

Қодир ЖўРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси "Туркистон-пресс"

Улоқ чопар йигитнинг зўри

Сиқжак Бўстонлик туманининг энг машҳур қишлоқларида бири. Уни бир кўрган инсон яна кўриш орзуси билан яшаса керак. Оддий аскар Шухрат Бўронов ана шу жаннатмонанд қишлоқда туғилиб ўсган. Кўнгли ҳам тоғ ҳавосидек мусаффо, камтар йигит.

Шухрат тумандаги 43-ўрта умумтаълим мактабида таҳсил олган. Шу ерда бокс билан ҳам шуғулланган. Қизиқиларини... Келинг, унинг қизиқиларини қандай билиб олганимиз айтиб берай.

табда ҳайдовчилик мутахассислиги билан бирга чавандозлик курсида ҳам ўқиган экан. Суҳбатимиз ўз-ўзидан отлар, чавандозликка бориб тақалди. Айни шу паллада чеккароқда туриб суҳбатимизни тинглаётган аскар йигитнинг кўзлари чакнаб кетганини сездим. Демак, у отларга қизиқди. Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди. Шухратнинг қишлоқда саккизта оти бор экан. Бунинг устига учтаси кўпқарида қатнашаркан.

— Отларни жуда яхши кўраман, — дейди биз билан суҳбатда у. — Улар ақли жониворлар. Айниқса, кўпқарида чопадиган отларимга ҳаммининг ҳаваси келаяди. Қишлоқда катталар мени кўпроқ отамга ўша-

тишади: Норимбойнинг ўғли ўзига тортган, десалар, иччимдан ғурурланиб кетаман. "Эр киши отда чопишни билиши керак", дейди отам. От — йигитнинг қўрқи. От минганда қонингиз жўш уради. Ўзингизни ҳар ишга қодир, мардона ҳис қиласиз...

Ростини айтганда, унинг от ҳақида бундай меҳр билан сўзлашини кутмаган эдим. Шойимиз ҳақ экан: "Қайдан билсин от қадрин, от минганда арқаклар?!". От минган йигитгина уни шундай меҳр билан таърифлайди-да. Шухрат ҳаётини армия билан боғлашга аҳд қилган. Муддатли ҳарбий хизматдан сўнг шартнома асосида хизматни давом эттирмоқчи.

Инобат ИБРОҲИМОВА

Орзуси олам ўғлон

Ўтган йилнинг 27-29 октябр кунлари пойтахтимизда болалар, ўсмирлар, хотин-қизлар ва катталар ўртасида пенчак силат спорт тури бўйича халқаро турнир ўтказилди. Ушбу нуфузли мусобақада қатнашган Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети ҳарбий хизматчиси, "Жасорат" медални соҳиб қарангчи Фалиб Салимовнинг ўғли 13 ёшли Абдумалик Салимов ўз вазн тоифасида биринчи ўринни кўлга киритиб, олтин медал билан тақдирланди.

Абдумаликнинг болалиги отасининг хизмат тақозоси билан юртимизнинг турли гушаларида ўтди. Болалигидан спортга қизиқгани боис дўстлари билан спорт клубларига тез-тез бориб турарди. Мана шундай кунларнинг бирида унинг қалбида спортнинг пенчак силат турига қизиқиш уйғонди. Бундан хабар топган отаси ўғлига мураббий излаб бошлади. Буни қарангки, унинг сафдошлари орасида кичик сержант Саидумархон Акбаров пенчак силат билан шуғулланар экан.

— Бир кунни ўзаро суҳбатимиз жараёнида сафдошим Фалиб Салимов ўғлининг пенчак силатга қизиқганини айтиб берди, — дейди кичик сержант Саидумархон Акбаров. — Мен бу спорт тури билан анча вақт шуғулланганим, лекин ҳали шогирдлар тайёрлаш ҳақида ўйлаб кўрмаганим. Шундай бўлса-да,

бошлади. Тинимсиз меҳнат, машғулотлар ўз натижасини берди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Абдумалик ўсмирлар ўртасида турнир бўлиб бўлди ва шохуспаннинг юқорисидан жўш олди. — Ўғлимнинг мактабдан кейин спорт клубига қатнаши ва у ерда узоқ қолиб кетишига аввалига ўргана олмадим, — дейди Умида Салимова. — Икки-уч марта у билан бирга спорт клубига бориб, машғулотлар жараёнини кузатишим, айниқса, мураббий билдирган ишонч мени қувонтирди. Ушундан устози "Хали кўрасиз, ўғлингиз чемпион бўлиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтараяди, унда бунинг учун етарли иқтидор бор", — деганиди. Ниҳоят, ўша кун келди. Ўғлимиз халқаро турнирда иштирок этиши ҳақида айтганида жуда қувондим. Ростини айтганда, ўғлимиз ишонмаганим, чунки у илк бор бундай нуфузли спорт мусобақасида иштирок этаётган, унда қатнашининг ўзи бизга катта қувонч бахш этаётган эди-да. У бирин-кетин рақибларини енгиб, финалга чиққанида бутун вужудим билан унинг голиб бўлишини истадим. Чунки бу ютуқ уни юксак марраларга руҳлантиришига ишонардим.

Сержант Фалиб Салимов хизмат тақозоси билан пойтахтда ўз фаолиятини давом эттирди. Бу Абдумалик учун янада кенг имкониятлар эшигини очиб берди. У машғулотларини пойтахтдаги спорт клубида давом эттирди. Юнусовод туманидаги "Адреналин" спорт клубида мураббий Абдуазим Абдуллаев кўл остида пенчак силатнинг мураккаб машғулотларини ўргана бошлади. Шогирдининг иқтидорини сезган мураббий уни халқаро турнирга тайёрлай

бохсада ўғлимиз голиб чиқди. Уша лаҳзадаги қувончимни асло таърифлаб беролмайман. Ўғлим мени қучиб, "Онажон, табрикланг, мен чемпион бўлдим!" деганида қувонч ёшларимни тиблмадим. Унга диплом ва олтин медални топиришигандан сўнг давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилганда шундай ўғлим борлигидан ҳақлардим. Тўғриси, чемпионнинг онаси бўлиш жуда ёқимли экан.

Абдумалик Салимов айна пайтда машғулотларга янада жиддий эътибор қаратиб, мураббийи бошчилигида навбатдаги мусобақаларга кизикин тайёргарлик кўрапти. — Ўғлимизда бу қизиқиш ҳавасга йўйганим, — дейди Фалиб Салимов. — Лекин вақт ўтган сари унинг қарори жиддий эканини англадим ва унга барча шарт-шароитларни яратиб бердим. Мактабдаги дарсларидан узилмаган ҳолда пенчак силат билан мунтазам шуғулланиб бори. Илк катта мусобақадаги ютуғи эса қалбларини енгиб, финалга бўлса, унинг ўзида келажак орзулари сари катта куч пайдо қилди. Мамлакатимизда ёшлар учун барча имкониятлар яратилган. Ўғлимизнинг бу имкониятлардан умумли фойдаланган ҳолда спорт билан шуғул-

ланиб, келажак сари дадил қадам ташлаётганидан ғурурланаман. Абдумаликнинг бир орзуси бор. Яъни отаси каби ҳарбий бўлиш. Бу унинг болалигидаги орзуси. Шу боис мактабдаги фанларни ҳам яхши ўзлаштириб бормоқда. — Орзуларим бисёр, — дейди Абдумалик. — Аввало, мактабни "аъло" баҳолашга тугатиб, ҳарбий академик лицейга ўқишга кириш ва илк ҳарбий кўникмаларни эгалламоқчиман. Шунингдек, спортдан ҳам ажралмаган ҳолда машғулотларни давом эттириб, пенчак силат бўйича улкан марраларга эришиш ва халқаро ареналарда Ватанимиз байроғини баланд кўтаришдек мақсадларим бор.

Ха, бугунги ёшларимиз ҳар томонлама барқамол, зақко, доно бўлишга интилади, юртимиз истиқболни йўлида куч-ғайратларини сарфлашпти. Улар нафақат спортда, балки илму фан, санъат соҳасида, умуман ижтимоий ҳаётнинг барча баҳбаларида фаол иштирок этмоқдалар. Абдумалик Салимов ҳам ана шундай қалби эзгу орзулар билан лиммо-лим тўла ёшларимиздан бири. Унинг келажакда барча орзулари ушалай, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

Аҳбор ОЧИЛОВ

КЎЗГУ

Осиё кубоги



Миллионлар ўйини мухлислари узоқ кутган китъа миқёсидаги нуфузли турнир — Осиё кубоги мусобақасида мамлакатимиз миллий терма жамоаси ҳам иштирок этади. Миржалол Қосимов шогирдлари “В” гуруҳида Саудия Арабистони, Хитой ва КХДР терма жамоаларига қарши майдонга тушади.

# ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

## Эртага Австралияда футбол бўйича XVI Осиё кубоги мусобақасига старт берилади

Осиё кубоги мусобақаси 1956 йилдан эътиборан ҳар тўрт йилда ўтказиб келинмоқда. Турнирда саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган энг кучли 16 миллий терма жамоа қатнашади. Бу гагги мусобақа, қайд этганимиздек, эртага — 9 январь кuni Австралия ва Кувейт ўртасидаги ўйин билан бошланади, 23 кун давом этади. Терма жамоалар ўртасидаги 32 та ўйинга Сидней, Мельбурн, Брисбан, Ньюкасл ва Канберра шаҳарлари мезбонлик қилади.

1996 йилдан буён иштирок этиб келади. Дастлабки икки турнир футболчиларимиз учун тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтаган бўлса, 2004 ва 2007 йиллари ўтказилган мусобақаларда терма жамоамиз чорак финалда қатнашди. 2011 йилги турнир эса янада омадли ўтди — Ўзбекистон миллий терма жамоаси кучли тўртликдан жой олди. Миллий терма жамоамиз таркибига “Пахтакор”, “Бунёдкор”, “Локомотив” ва “Насаф” жамоалари сафида кучли ўйин кўрсатган энг мохир футболчилар жалб этилган. Шунингдек, Одил Аҳмедов, Виталий Денисов, Сервер Жепаров, Азиз Ҳайдаров, Санжар Турсунов, Ансур Исмоилов каби хорижда тўп сурувчи футболчиларимиздан ҳам умид катта.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси иштирокидаги дастлабки учрашу 10 январь кuni Сидней шаҳрида бўлиб ўтади. Шу кuni КХДР терма жамоаси вакилларимизга рақиблик қилади. 14 январь кuni Хитой, 18 январьда эса Саудия Арабистони футболчиларига қарши ўйинлар ўтказилади.

Гуруҳлардан иккитадан терма жамоа чорак финалга йўланма олади. Мусобақанинг финал учрашуви 31 январь кuni бўлади. Кувонарлиси, Осиё кубоги мусобақасида юртимиздан Равшан Эрматов ва Валентин Коваленко бошчилигидаги жаҳамларимиз ҳам иштирок этади. Фақатгина В.Коваленконинг ёрдамчиси Маъмур Саидқосимов амалий машғуллот пайтида жароҳатлангани боис турнирда қатнаша олмайдди. Унинг ўрнини гонконглик лайнсмен эгаллашди. Қитъа миқёсидаги нуфузли мусобақада миллий терма жамоамизга омад тилаймиз. Ишонамизки, футболчиларимиз мухлисус мутахассислар ишончини оқлаб, юқори натижаларни қўлга киритадилар.

Ноҳира ЙЎЛДОШЕВА



Дарвоқе, Австралия ҳукумати яқинда мусобақадан оладиган даромад борасидаги молиявий режаларини эълон қилди. Унга кўра, мезбон давлат уч ҳафта давомида ҳар кuni 1 миллион АҚШ доллари миқдорида даромад олмақчи. Хусусан, чипталар савдосидан 20 миллион доллар даромад қилиш кўзда тутилмоқда. Мусобақани ташкил этиш учун эса 240 миллион доллар сарф қилинади. Шунингдек, турнирдан кейин “яшил китъа”га борадиган сайёҳлар сони 15 фоизга ошиши кутуляпти.

Қолаверса, маълумотларда турнирнинг 2,5 миллиард киши телевидение орқали, 500 мингдан ортиқ футбол иштиқобчилари бевосита стадиондан кузатиб бориши, шундан 30 минг нафари хорижлик мухлислар бўлиши айтилмоқда.

Миллий терма жамоамиз Осиё кубоги мусобақасининг финал босқичида

Муҳим мавзу

# Фазилатли аёл — оила кўрки

Оилада фарзандлар — ўғил-қизлар, келинлар, невараларнинг тинч-тотув, аҳил-иноқ яшашида аёлларнинг ўрни ниҳоятда катта. Босиқлик, сабр-тоқатли бўлиш ва оқиллик эса аёлларга хос ажойиб фазилатлардир. Мана шундай аёллари бор оилаларни файз-барака, фаровонлик ва энг муҳими, хотиржамлик асло тарк этмайдди.

Шундай ибратли ҳикоят бор. Унда айтилишича, ҳақимлардан бири ёш ва гўзал бир аёлни имтиҳон этиш учун шундай дебди:

— Сендай гўзал бир аёлнинг шундай хунук эри бўлиши яхши эмас. Шундай эмасми?

Аёлнинг эри чиндан ҳам хунук экан. У шундай жавоб берибди:

— Эй, ҳақим! Сиз кўп янглиш сўзлагингиз. Гапингиз тўғри эмас. Чунки эримнинг бир савоби борлигидан бўлса керак, мен у кишига ўша савобга нисбатан бир мукофот ўлароқ насиб этгандирман. Балки мен Аллоҳга хуш келмайдиган бирор иш қилган бўлишим мумкин. Ҳақ таоло бу гуноҳининг жазоси сифатида мени унга лойиқ кўргандир. Жаноби Ҳақнинг берган тақдирига рози бўлиш керак.

Бу жавобдан мамнун бўлган ҳақим аёлга дебди: — Қизим, мен сенинг ақлли аёл эканлигингни сезгандим. Шунинг учун имтиҳон қилиб кўрай, дедим. Аёлларда жаннатга кириш учун энг буюк аломат эрларнинг ёмон феълларига сабр қилмоқдир...

Чиндан ҳам, ҳаёт йўлида учрайдиган барча қийинчиликларни енгиб ўтиш учун ақли расо ва солиҳа бўлишга интилиш лозим. Бунинг учун катта сабр-тоқат, бардош ва чидам керак. Асосийси, ёшларни худди шу руҳда тарбиялаш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бузғини куннинг ҳам муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бу борада Гурлан тумани хотин-қизлар кўмитаси томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, маҳалларда, умумтаълим мактабларида, касб-хунар коллежларида турли тадбирлар ўтказилиб, уларда “Фазилатли аёл — оила кўрки”, “Соғлом она — соғлом бола”, “Бугунги қиз бола — эртага оила бекаси”, “Эрта турмуш — келтирар ташвиш”, “Қариндошга қуд бўлманг” каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар уюштириб келиняпти.

Туманимизда истиколат қилаётган 136 минг нафар аҳолининг ярмидан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Нигора Ҳайметова. — Хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларга касб-хунар ўргатиш, айниқса, қизларни келгуси ҳаётга тайёрлаш борасида кўраётган амалий чора-тадбирларимиз туфайли кейинги пайтда ёш келин-куёвлар орасида ажралиш ҳолатлари кескин камайди. Бунда таълим муассасаларида “Ораста қизлар” тўғарақларининг фаолияти яхши йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тумандаги 18-умумтаълим мактабида “Ораста қизлар” тўғарақи фаолиятини жонлантириш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Тўғарақ аъзолари иштирокида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда бўлиб ўтган тадбир “Қиз бола — оила кўрки” мавзусига бағишланди. Унда Дўсимбий қишлоғининг “Тахтақўпри” маҳалласида яшовчи обрў-эътиборли оилаларнинг қайвони аёл-

лари қатнашди. Давра суҳбати тарзида ўтган учрашулда қизлар тарбияси, уларни келгуси ҳаётга тайёрлаш масалалари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, қишлоқ врачлик пункти гинеколог, патронаж ҳамшираси ва бошқа тиббиёт ходимлари иштирокида мунтазам равишда тадбирлар ўтказилапти. Тадбирлар давомида қизларда учрайдиган касалликлар, уларнинг олдини олиш ва даволаш йўллари ҳақида маълумотлар берилиб, кўпчиликини қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилмоқда.

— Биз тўғарақ фаолиятини олиб боришда фақат тадбирлар ўтказиш билан чекланиб қолаётганимиз йўқ, — дейди тўғарақ раҳбари, мактаб хотин-қизлар кўмитаси раиси Назира Ражабова. — Қизларни турмушга тайёрлаш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, тадбиркорлик сирларини ўргатиш, спорт билан шуғулланишлари ҳамда пазандчилик, тикучлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга интиляемиз. Бу вазифаларни чора-тадбирларимиз туфайли кейинги пайтда ёш келин-куёвлар орасида ажралиш ҳолатлари кескин камайди. Бунда таълим муассасаларида “Ораста қизлар” тўғарақларининг фаолияти яхши йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги ўсмир қиз эртага улғайиб балоғатга етади ва бир хонадонга келин бўлиб тушади. Келин ҳам худди қизингдек ардоқли хилқат. Уни авайлаб-эъзозлаш, ҳаётинг давомчилири яратувчи сифатида қадрлаш зарур, билмаганини ўргатиш, янги рўзгорга мослаштириш кетиши учун шароит яратиш шу хонадон аъзоларининг вазифасидир. Шунга эришилса, бундай оилаларни ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуна олишдек ажойиб хислатлар безаб туради.

Фарҳод АБДУЛЛАЕВ, “Моҳият” муҳбири



## Ҳамюртимиз энг яхши ҳакамлар сафида

Футбол тарихи ва статистикаси халқаро федерацияси (IFFHS) томонидан 2014 йилнинг энг яхши ўн нафар ҳаками номи маълум қилинди.

Унга кўра, италиялик ҳакам Никола Риццолли йилнинг энг яхши ҳаками деб топилган. Кейинги ўринларни англиялик Говард Уэбб ва германиялик Феликс Брих эгаллаган. Ҳамюртимиз, ФИФА рефереси Равшан Эрматов эса рўйхатда бешинчи ўринда қайд этилган.

Ҳабарингиз бор, Равшан Эрматов Бразилияда ўтган сўнгги жаҳон чемпионатида 4 та учрашуви бошқарган эди. Энг яхши ҳакамлар ўнталигидан, шунингдек, Бьорн Куйперс (Голландия), Педру Проэнса (Португалия), Карлос Веласко Карбалло (Испания), Жунайт Чакир (Туркия), Марко Родригес Морено (Мексика), Нестор Питаналар ҳам жой олган.

## Марат Жумаев халқаро турнир совриндори

Ҳиндистоннинг Ченнаи шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган халқаро шахмат турнири якунига етди.

Халқаро гроссмейстер Марат Жумаев мазкур мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У ўн учрашулда 7,5 очко жамғариб, турнирнинг қумуш медал совриндори бўлди.

Таъкидлаш жоизки, турнир якунида бир йўла саккиз нафар гроссмейстер 7,5 тадан очко жамғаришга муваффақ бўлди. Фақатгина қўшимча кўрсаткичларга кўра россиялик Иван Попов биринчи, ҳамюртимиз Марат Жумаев иккинчи, Россиянинг яна бир шахматчиси Михаил Мохаров эса учинчи ўринни эгаллади.

## Нойер 2014 йилнинг энг яхши спортчиси деб топилди

Халқаро спорт журналистлари ассоциацияси (AIPS) ўтган йилнинг энг яхши спортчиларини эълон қилди. Овоз бериш жараёнида 91 мамлакатдан оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган.

Сўров натижалари яқинида кўра, “Бавария” ва Германия терма жамоаси дарвозабони Мануэль Нойер эркаклар ўртасида “Ил спортчиси” деб топилди. У 601 та овоз тўплашга муваффақ бўлди. Швейцариялик теннисчи Рожер Федерер ва португалиялик футбол юлдузи Криштиану Роналду кейинги ўринларга муносиб қўрилди.

Аёл спортчилар орасидан америкалик теннисчи Серена Уильямс йилнинг энг яхши спортчиси дея эътироф этилди.

Бразилияда ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатида бош совринни қўлга киритган Германия терма жамоаси “Йилнинг энг кучли жамоаси” номинациясига лойиқ қўрилди.

## Мессинг трансфер нархи 220 миллион еврога баҳоланди

Спорт тадқиқотлари халқаро маркази томонидан Европанинг етакчи беш чемпионатида ўйнаётган футболчиларнинг трансфер нархлари маълум қилинди. Бунда футболчиларнинг сўнгги 5 йилда ўтказган ўйинлари, урган голлари, клублари ва терма жамоалари қайд этган натижалар эътиборга олинди.

Шунга кўра, энг қimmat футболчи сифатида аргентиналик Лионель Мессиде кайд этилди — унинг нархи оз эмас, кўп эмас, нақд 220 миллион евро! Иккинчи ўриндаги Криштиану Роналдунинг трансфер қиймати 133 миллион еврога тенг қўрилган. Кучли урликдан ўрин олган “Челси” ярим ҳимоячиси Эден Азар эса 99 миллион еврога баҳоланди.

Шунингдек, қimmatбаҳо футболчилар ўнталигидан қуйидагилар ўрин олган: Диего Коста (“Челси”, 84 миллион евро), Поль Погба (“Ювентус”, 72 миллион евро), Серхио Агуэро (“Манчестер Сити”, 65 миллион евро), Раҳим Стерлинг (“Ливерпуль”, 63 миллион евро), Сеск Фабрегас (“Челси”, 62 миллион евро), Алексис Санчес (“Арсенал”, 61 миллион евро), Гарет Бэйл (“Реал”, 60 миллион евро).

О.АБДУЛЛАЕВ

Муаммо ва мулоҳаза

# БОЛАЛИККА ГАРД ЮҚМАСИН

Кўчада кетаётиб, рўпарамдан чамаси 9-10 ёшлардаги икки боланинг югуриб келаётганига кўзим тушди. Уларни кўрдим-у: “Болалик — беғубор давр. Қанийди, шу болакайларга ўхшаб бутун умр кўча-кўйда гам-ташвишсиз ўйнаб-қулиб юрсам”, деган ҳаёлга бордим. Афсус, уларга ҳавас билан боқиб турганимда, бир зумда ўйларим тутун каби ҳавода изсиз йўқолди. Ўша мен “беғубор” деб атаётган болаларнинг ўзларидан олдинда кетаётган қизларга қарата курақда турмайдиган, беҳаё сўзларни айтиб, сўнгра бир-бирига қараб мамнун ҳолда кулаётганини кўриб, ўйга толдим “Наҳотки, болаликнинг беғуборлиги шу бўлса? Бу ҳолатни шунчаки “Ҳали болада!” дея баҳолаш керакми ёки...?”

## Бир болага етти маҳалла ота-она

Бу мақол ҳозирги кунда унутлаётганга ўхшади, назаримда. Азалдан кўча-кўйда болакайлар шўхлик қилиб, бирор ноҳўй ишга қўл уришса, боболаримиз, бувиларимиз шунчаки ўтиб кетишмаган. Уларга яхшигина танбех бериб, боланинг ўйига бориб, ота-онасига маълум қилмагунча, кўнглилари жойига тушмаган. “Тарбияни биргина оила эплай олмайдди, чунки кўча-кўйда болаларнинг ўзини қандай ту-

тиши, нима билан машғуллигини кўпчилик кўради, кузатади. Агар болага маҳалладагилар ҳам бефарқ бўлмаса, ҳеч қандай кўнгилсизликлар рўй бермайди”, — дейди кўшнимиз Робия буви.

Робия бувининг гапларида жон бор. Бугун кўпчилик болалар иштирокидаги ноҳўй ҳолатни кўрса ҳам кўрмасликка олади. “Бировнинг боласи билан нима ишим бор?” дейишади. Буни эътиборсизлик дейишимиз мумкин. Аммо бундай лоқайдликнинг бошқа томони ҳам бор. Ота-оналарнинг ўз қўшини, маҳалладоши ёки умуман бегона бир инсондан бола-

сининг қилмишларини эшитиши уларга оғир ботади ва буни аксарият ҳолларда тўғри тушунишмайди. 9-14 ёшли болаларнинг юқоридаги каби “шўхлик”лари кўпайиб, кучайиб бораётганининг сабаби, балки, шундадир.

## Компьютер ўйинлари агрессивликни келтириб чиқаради

— Замоннинг шиддат билан ривожланиши болаларнинг тарбияси ва онгига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, — дейди ўқитувчи Хонтош Саодатова. — Уларнинг кўпича интернет-кадларда турли хил ўйинларни ўйнаш, беҳаё сайтларга кириш билан вақтини ўтказишини ноҳўй ҳолатларнинг бир сабаби, дейишимиз мумкин.

Бу борада бир маълумот: Англия ва Жанубий Корея мунтахаассислари ўтказган тадқиқотларига кўра, болакайларнинг компьютер ўйинларини ҳаддан ташқари кўп ўйнашлари уларда агрессив ва асабий феъл-атворнинг шаклланишига олиб келади.

## Ким кўпроқ масъул?

Бу саволга кўпчилик, биринчи навбатда, албатта, оилани тилга олади. Тўғри, ҳеч шубҳасиз, фарзанднинг одобли бўлиб воғла етишида оила бирламчи омили ҳисобланади. “Кўш уясида кўрганни қилади”, деган нақл асрлар оша ўз кучини йўқотмай келаётгани беҳиз эмас.

Эътибор берсангиз, айрим ота-оналар фарзандлари устидан шикоят қилинганда, улар “Нима қилайлик, қанча танбех берсак ҳам кор қилмаяпти”, деб жавоб беришади. Ваҳоланки, танбех бериш тарбиянинг бир қисми, холос. Бизнингча, тарбиянинг асосий моҳияти муҳитдан келиб чиқади. Оила, кўча, дўстлар давраси, ўқув даргоҳларидаги муҳитнинг соғломлиги болалар худди шаклланишидаги энг муҳим шартдир. Ушбу шартнинг бажарилиши эса энг аввало, ота-оналар зиммасидаги вазифа.

## Тарбия қачондан бошланади?

Бу саволга ҳар ким турлича жавоб беради. Кимдир бола

ақлини таний бошлагандан сўнг тарбия бериши бошлаган маъқул, деса, бошқалар тарбия фарзанд туғилиши билан берила бошлаши керак, деб ҳисоблайди.

Мутахассислар эса бола тарбияси билан у туғилмасидан, яъни она қорнида бўлган вақтидан бошлаб шуғулланган маъқул, дея таъкидлашади. Уларнинг фикрича, тинч-осойишта жойларни сайр қилиш, яхши нарсалар ҳақида ўйлаш, гўзалликдан завқланиш билан бир қаторда, болага ширин сўзлар гапириш, хаттоки эртақлар ёки алла айтиб бериш ҳам унинг жисмоний ва руҳий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса шунки, бола тарбияси мураккаб, шу билан бирга, ниҳоятда масъулиятли вазифа. Тарбиясизлик ва унинг орқасидан эргашиб келувчи бошқа иллатлар нафақат бир оила, балки бутун жамяят маданиятига дахл қилади. Жамият фаровонлиги, юрт равнақи одобли, маданияти ёшлар қўлида. Шунинг ҳеч қачон унутмайлик, азизлар.

Кумушбоб ИРМАМОВА

Туркистон Моҳият ижтимоий-сиёсий газета

Бош муҳаррир Камол АЛЛАЁРОВ

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетадан кўчириб босилганда “Моҳият”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Қоғоз бичими А-2 Ҳажми 2 босма табоқ Баҳоси келишилган нарҳда

Навбатчи: Фармонбек МАТНАЗАРОВ Саҳифаловчи: Қайсар РАҲМОНОВ e-mail: info@mohiyat.uz

Муассис: “ТУРКИСТОН-ПРЕСС” нодавлат ахборот агентлиги

Таҳририят манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 51-уй Телефонлар: 233-77-35 (факс), 233-05-38, 232-25-73

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмаҳонага топшириш вақти - 20.30 Топширилди - 23.20 Буюртма - Г - 127 Адади - 4594

“UNIVERSAL AUKTION INVEST” МЧЖ аукцион натижаларини маълум қилади 2000 йилда ишлаб чиқарилган “Тико” рўсумли, бошланғич баҳоси 5 007 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 16 050 000 сўмга сотилди. Гувоҳнома: №004059.